



Washington  
University in St. Louis



Central Eurasian Studies Society



# 2021

## PART 2

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-ONLINE  
CONFERENCE  
ON INNOVATION IN THE  
MODERN EDUCATION SYSTEM**

WASHINGTON  
2021



Central Eurasian Studies Society



# **INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM**

**Part 2**

**January 2021**

**COLLECTIONS OF SCIENTIFIC WORKS**

Washington, USA  
25<sup>th</sup> January 2021

**INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM:** a collection scientific works of the International scientific conference (25<sup>th</sup> January, 2021) – Washington, USA: "CESS", 2021. Part 1 – 172 p.

**Editorial board:**

**Martha Merrill**, PhD Kent State University, USA

**David Pearce**, ScD Washington, D.C., USA

**Emma Sabzalieva**, PhD Toronto, Canada

**Tuychiyeva Inoyat Ibragimovna**, PhD

**Nikadambayeva Hilola Batirovna**, Candidate of Pedagogical Sciences,  
docent

**Pirimov Akram Pirimovich**, docent

**Shodiyev Furqat Davranovich**, Candidate of Technical Sciences, docent

**Languages of publication:** русский, english, казахша, o'zbek, limba română,  
кыргыз тили, Հայերեն

The collection consists of scientific research of scientists, graduate students and students who took part in the International Scientific online conference "**INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM**". Which took place in Washington on January 25, 2021.

Conference proceedings are recommended for scientists and teachers in higher education establishments. They can be used in education, including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees. The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.

**TABLE OF CONTENTS**

<b>SECTION: PHILOLOGICAL SCIENCES</b>	
<b>Nigora Bakhodirova</b> POLITENESS IN EVERYDAY COMMUNICATION	<b>6</b>
<b>Abdiganiyeva Nadira Abdinazar qizi</b> FLUENCY IMPROVEMENT IN A SECOND LANGUAGE.	<b>10</b>
<b>Shodieva Gulrukh Nazir qizi</b> <b>Butayeva Muyassar Abdikadirovna</b> THE ROLE OF INSTRUCTED LANGUAGE TEACHING IN TEACHING ENGLISH AS A SECOND LANGUAGE	<b>12</b>
<b>Hoshimjon Ahmedov</b> <b>Egamberdiyeva Manora</b> ALISHER NAVOIYNING "LISONUT-TAYR" DOSTONIDAGI MAJOZ HAQIDA ABOUT THE FIGURE IN NAVOI'S "LISON UT-TAYR"	<b>16</b>
<b>Munavvar Bahodirovna Fazullayeva</b> <b>Saodat Sattorova Narzullayevna</b> <b>Halimova Mehrangiz Uturovna</b> THE IMPACT OF USING ICT ON TEACHING EFL AND RFL LEARNERS	<b>20</b>
<b>Sulaymanova Nafisaxon</b> LEV TOLSTOYNING "AVLIYO SERGIY" QISSASIDA MUALLIF OBRAZI MASALASI	<b>24</b>
<b>Bazarov Sobirjon Bektashovich</b> ЕДИНИЦА ХАРАКТЕРА И НРАВСТВЕННОСТИ	<b>29</b>
<b>Nuralieva Ozoda Norboevna</b> COGNITIVE LINGUISTICS THE TRADITIONAL APPROACH TO STYLISTIC DEVICES	<b>33</b>
<b>Dilora Pardayeva Ilyos kizi</b> AN EFFECTIVE WAY TO CHECK STUDENTS' KNOWLEDGE BY TELEGRAM IN DISTANCE LEARNING	<b>36</b>
<b>Yuldashev Otabek</b> <b>Boqiyeva Shahnoza</b> ОУБЕК SHE'RLARINING LINGVOPOETIKASI	<b>39</b>
<b>Морозова Ирина Георгиевна</b> ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДА CASE-STUDY В ИНОФОННОЙ АУДИТОРИИ	<b>44</b>
<b>Курбанов Содик Солиевич</b> ҲОШИЯЛАР БИЛАН МАШҲУР АЛЛОМА	<b>48</b>
<b>Xatdamova Gulshan Xatirovna</b> ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKDA "TUSHUNCHA" VA "KONSEPT"	<b>53</b>
<b>Ходжаева Саодатхан Саидуллаевна</b> РАЗВИТИЕ КРЕАТИВНОГО МЫШЛЕНИЯ СТУДЕНТОВ ВУЗА В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА	<b>57</b>
<b>Д.Хусенова</b> СЎЗ ҚУДРАТИНИНГ СИРИ	<b>62</b>
<b>SECTION: EXACT AND TECHNICAL SCIENCES</b>	
<b>Азизов Бахтиёр Абдувоҳидович</b> <b>Хайдарова Наргиза Дилмурод Кизи</b> ЗАВИСИМОСТЬ СИЛОВОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ ПОЧВА НА РАБОЧИЙ ОРГАН ОТ ФОРМЫ ЕГО ПОВЕРХНОСТИ.	<b>66</b>
<b>Наимов С. Т.</b> ОБЪЕКТИВНЫЕ ЗАКОНОМЕРНОСТИ ФОРМООБРАЗОВАНИЯ	<b>70</b>
<b>Носиров Б. Н.</b> СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ РЕЗУЛЬТАТОВ МЕТОДАМИ МГУА И РЕГРЕССИОННОГО АНАЛИЗА ПРИ МАТЕМАТИЧЕСКОМ МОДЕЛИРОВАНИИ УРОЖАЯ ХЛОПЧАТНИКА	<b>75</b>
<b>Uzakov Davronbek Hasanboy ugli</b> <b>Shonazarov Dilshod</b> ANALYSIS OF ORGANIZATION AND IMPROVEMENT OF LANDSCAPE PLANNING IN URBAN AREAS	<b>78</b>
<b>Халикова Латофат Уктамовна</b> КАК ПОЛЬЗОВАТЬСЯ ПРОЦЕССОМ ОБУЧЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ	<b>81</b>
<b>Ражабова Садоқат Юсуфовна</b> КОНСТРУКТОРИК ФАОЛИЯТДА AUTODESK SKETCHBOOK, NANOCAD, MARVELOUS DESIGNER ДАСТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ	<b>85</b>
<b>Муминова Дурдона Сайдамин қизи</b> МУҲАНДИС ГРАФИК ТАЪЛИМИНИ АХБОРАТЛАШТИРИШ ДОИРАСИДА ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ	<b>93</b>
<b>Туробов Жаҳонгир Равқат ўғли</b> ТРАНСПОРТ СОҲАСИГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИ ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИТИШ МАЗМУНИ	<b>101</b>
<b>Турдиев А.Х. Абдуллаев Ж.Х.</b> ЭЛЕКТРОДЛАР ҚОПЛАМАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ	<b>104</b>
<b>SECTION: SOCIAL AND HUMAN SCIENCES</b>	
<b>Муродов Исроилжон Хуршидҷон ўғли</b> АЁЛЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СЎРОҚ ВА ЮЗЛАШТИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТҚАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	<b>109</b>

# INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM

<b>CONSTITUTIONAL LAW</b> Azizbek Qosimov Yusuv alieva Raxima Yusupovna	115
<b>Butayev Azizjon Kenjaboy o'g'li,</b> <b>Jurayev Akbarshox Usmonjon o'g'li,</b> <b>Topilov Xusanjon Muxsinali o'g'li</b> SHAHAR KO'CHALARIDA PIYODALAR HARAKATI XAVFSIZLIGINI TAKOMILLASHTIRISH (FARG'ONA SHAHAR MOSOLIDA)	120
<b>ИПЛОМАСЫ</b> Nuriddinova Gulrux Adham Gafurivich	123
<b>Dilfuza Rasulova</b> EXPLORING E-COMMERCE TRENDS IN DEVELOPING ECONOMIES & THE ROLE OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE	129
<b>Shokhrukh Kuchkarov</b> <b>Kamola Shukhratovna</b> FACTORS OF PRODUCTION	133
<b>Panjiyev Samijon Alikulovich</b> HISTORICAL GENESIS OF THE VIRTUAL DIDACTIC ENVIRONMENT, DESCRIPTIVE CONTENT	137
<b>Нигина Башировна Тухтасинова</b> АКЦИОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД К ИЗУЧЕНИЮ АГИОГРАФИЧЕСКИХ РАБОТ	141
<b>Tajaxmatova Nabiraxon Kobiljonovna</b> MANTIQUIY VA NOSTANDART MASALALAR O'QUVCHILAR TAFAKKUR QILISH QOBILİYATLARINING RIVOJLANISH OMILI SIFATIDA	149
<b>Н.Ўринбоев</b> ЎЗБЕКОНА ТУРМУШ ТАРЗИ ВА МЕХНАТ МЕНТАЛИТЕТИ	153
<b>Ойгул Охунова Усмонжон қизи</b> КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАРГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ ВА САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ	156
<b>Tokhirov Eldor</b> <b>Oljaboeva Shoira Sultanovna</b> MOLECULAR PHYSICS	163
<b>Abduhamidov Quadrat Obidjonovich</b> O'ZBEKISTON FLORASIDAGI ACONITUM L. TURKUMI TURLARI VA ULARNING GEOGRAFIK TARQALISHI	166
<b>Saidova Nodira Bahodir qizi</b> ALOHIDA EHTIYOJGA EGA BO'LGAN BOLALARGA YANGICHA NIGOH VA BUNDA INKLYUZIYA TUSHUNCHASI.	172
<b>Ahmedova Ma'mura Akmaliddin qizi</b> INFORMATIKA DARSLARIDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI QO'LLASH	181
<b>Нуриддинов Зухриддин</b> СУД НАД РАСКОЛЬНИКОВЫМ ИЗ РОМАНА «ПРЕСТУПЛЕНИЕ И НАКАЗАНИЕ»	184
<b>Эгамов М. Х.</b> <b>Хайруллаев Д. Б.</b> ТЎҒРИ БУРЧАКЛИ СФЕРИК УЧБУРЧАК МАСАЛАЛАРИНИ MS EXCEL ДАСТУРИ ЁРДАМИДА ЕЧИШ	189
<b>Курбанова М.О.</b> ВЫРАЗИТЕЛЬ НЕПОВТОРИМОЙ ДУШИ	198
<b>Мавланов Камалиддин Тўйчиевич</b> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАР	202
<b>Ражабова Роҳила Закировна</b> АБДУЛАЗИМ СОМИЙ БЎСТОНИЙНИНГ "ТАРИХИ САЛОТИНИ МАЊФИТИЯ" АСАРИНИНГ ИЛМИЙ ТАҲДИЛИ.	206
<b>Абдуллаева Э.А.</b> ВОПРОСЫ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ В МЕЖЭТНИЧЕСКИХ И МЕЖКОНФЕССИОНАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЯХ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	212
<b>Худайбергенов Азамат Абдикалыкович</b> ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИЕ ЕДИНИЦЫ, ВЫРАЖАЮЩИЕ НЕЙТРАЛЬНОЙ ОЦЕНКИ ХАРАКТЕРА ЧЕЛОВЕКА В АНГЛИЙСКОМ И КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКАХ	217
<b>Узоков Ориф Хамроевич</b> <b>Ориф Хамроевич Узаков</b> ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ В ОБРАЗОВАНИИ	221

**АБДУЛАЗИМ СОМИЙ БЎСТОНИЙНИНГ “ТАРИХИ САЛОТИНИ  
МАНҒИТИЯ” АСАРИНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ.**

**Ражабова Роҳила Закировна**

*Бухоро давлат университети*

*Ислом тарихи ва манбашунослиги,*

*фалсафа кафедраси таянч докторанти*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Абдулазим Сомий Бўстонийнинг ҳаёти ва фаолияти ва унинг “Тарихи салотини манғития” асарининг Бухоро тарихини ўрганишдаги аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** Сомий Бўстоний, XVIII-XIX аср, маънавий мерос, қўлёзма асарлар, Бухоро тарихи, маданият.

Ўрта Осиёнинг буюк алломалари томонидан бунёд этилган асарлар қадим замонлардан бери халқимизга маънавий озуқа бериб келади. Манбалар инсон ва жамиятнинг маънавий бойишига хизмат қилади. Ўтган асрлардаёқ Ҳерман (Арман) Вамбери “Алишер Навоий асарлари ҳар бир ўзбек оиласида хазина” эканлигини ҳайратланиб ёзган эди. Қадимда китоблар хазинаси халқнинг ўзида, хонадонларда сақланган. Одамлар китобларни авайлаб-асраб, кейинги авлодларга етказганлар. Китобларни кўчириб ёзиш, асраш ва тарқатиш жуда катта савоб иш ҳисобланган. Ҳозирги кунда ҳам китобларга бўлган эътибор ортиб бораёпти, айниқса қўлёзма асарларга бўлган эътибор. Қолаверса, миллий ўзликни англаш, тарихий хотира давомийлигини таъминлаш, улкан ёзма меросни асраб-авайлаш, бойитиб бориш ва тадқиқ қилиш ҳамда маданий ва маънавий қадриятларни оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди<sup>16</sup>.

XVIII-XIX асрларда хонликларнинг ички ҳаёти ва уларнинг тарихига оид қўлёзма асарлар ҳам кўплаб ёзилган бўлиб, аммо афсуски, уларнинг кўпчилиги талон-тарож қилинган ва Ўзбекистон ҳудудидан олиб кетилган. В.В.Бартолд таъкидлаганидек, “... қўлёзма асарларнинг асосий қисми амирнинг кутубхонасида сақланар эди. Афсуски,

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Июль 25, 2018.

қимматбаҳо қўлёзмалар талон-тарож қилинган ва чет эл оммавий кутубхоналарига сотилган”<sup>17</sup>

Бугунги кунга келиб, кутубхоналар ва архивларда сақланаётган тарих, иқтисод, адабиёт ва бошқа йўналишлар бўйича энг қимматли маълумотларни ўз ичига олган қўлёзмалар асосида тадқиқотчилар кўплаб илмий тадқиқотлар олиб бораяптилар. XVIII-XIX асрларда Марказий Осиё халқлари ҳаёти ва хусусан, Бухоро ва Хива хонликлари тарихини ёритган қўлёзма асарларни ўрганиш ҳозирги кунда нафақат Ўзбекистон, балки чет эл олимларининг ҳам қизиқишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса ҳозирда қўлёзма манбаларни ўрганиш учун жуда кўплаб имкониятлар яратиб берилди.

“Тарихи салотини Манғития” (“Манғит амирларининг тарихи”) асари Бухоролик машҳур тарихчи олим ва шоир Мирзо Абдуазим Сомий Бўстоний (1838/39-1914 йилдан кейин) қаламига мансубдир. Ушбу манба XVIII-XIX аср Ўрта Осиё тарихшунослигининг қимматбаҳо ёдгорлигидир. Мирзо Абдуазим Сомий Бухоронинг таниқли амалдори, сарой ходими, тарихчи бўлиб, у Бухоро яқинидаги шимолдан 40 км узоқликда жойлашган Кармана йўлидаги Бўстон қишлоғида туғилган ва унинг туғилган санаси ҳеч қаерда зикр қилинмаган. Бироқ, унинг туғилган йили 1838 ёки 1839 йил бўлиши мумкин деб тахмин қилинади. Абдуазим Сомий вафот этган сана ҳақида бизда С. Айнийнинг 1325 / 1907-08 йилларда 72 ёшида вафот этганлиги тўғрисида гувоҳлиги бор. Лекин унинг вафот этган санаси ҳам Епифанова томонидан нотўғри деб айтиб ўтилган.

Абдуазим Сомий ёшлигидан тарихни ва тарихий асарларни яхши кўрганлиги ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. У ўз асарларида ўқиган тарихий асарлар номларини санаб ўтади ва бу Сомий Шарқ тарихшунослигини жуда яхши билганлигини кўрсатади. Ўша давр олимлари уни таниқли тарихчи, ёзувчи, шоир, хаттот ва “нотиқлик устаси” сифатида белгилайдилар. У умрининг охирида сарой амалдорлари билан келиша олмаганлиги сабабли саройдан қувилган ва қашшоқликда умр кечирган. С. Айнийнинг хабар беришича, Сомий озиқ-овқатга пул топиш учун кунига 15-16 соат давомида ёзишмалар билан шуғулланган ва умрининг охирига келиб (ўлимидан уч-тўрт йил олдин) у кўр бўлиб қолган. Ҳам маънавий ҳам иқтисодий жиҳатдан қийналган Сомий умрининг охирида ёзган қасидасида<sup>18</sup> “Азобдан қутилишнинг ягона йўли ўлим” эканлигини айтиб ўтган.

<sup>17</sup> В. В. Бартольд, История культурной жизни Туркестана, стр. 1,18

<sup>18</sup> ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № № 14581(1)

Ўзбекистон Фанлар академиясининг шарқшунослиги Институтида сақланаётган шарқ қўлёзмалари орасида, Сомийнинг учта (1458, 4330 ва 7419 рақамлари остида) қўлёзма асари сақланиб қолинган. Улардан бири “Тарихи салотини манғития” бўлиб, иккинчиси 1900-1902 йиллар орасида ёзилган “Тухфаи шоҳий” дир. Бу икки асар бир давр, Бухоро хонлигининг амир Музаффар давридаги тарихига бағишланган. Иккала версияда ҳам воқеалар хронологик тартибда берилган. Бироқ, улар маълум даражада бир-биридан фарқ қилади. Масалан, “Тухфаи шоҳий” тўлароқ, лекин олий ҳукмдорни кўкларга кўтариб мақташ, панегрик руҳида битилган<sup>19</sup>. “Тарихи салотини манғития” эса, ҳукмдор ва амалдорларнинг салбий характерларини очиб беради. Епифанова иккала асар билан яқиндан танишиб, у асарларга қуйидагича изоҳ беради: Сомий “Тухфаи шоҳий” асарини амир буйруғи билан ёзилганлиги учун унда оддий халқ, уларнинг ҳаёти ҳукмдор ва амалдорлар зулми ости ҳаёт кечираётганлари яшириниб, ҳукмдор ва унинг авлодларини кўкларга кўтариб ёзган. “Тарихи салотини манғития” да эса, барча воқеалар очиқ-ойдин ёритилган.

“Тарихи салотини манғития”да муаллиф халқ қўзғолонлари ҳақида, амир Дониёлнинг ҳукмронлиги (1758-1785), Шохмуроднинг (1785-1800) Хуросондаги юришлари ва Марв учун кураш ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Амир Ҳайдар (1800-1826) ҳукмронлиги даврини ҳам батафсил тасвирлайди: қўзғолонлар, феодал тартибсизлик ва Қўқон билан Хоразмга қарши кураш ва бошқалар.

“Тарихи салотини манғития”да XIX асрнинг иккинчи ярмидаги энг таниқли Бухоро шоирларидан Мулла Абдулқодир-Хожа Бухорий, Мулла Шамсиддин-Маҳдум Шоҳин, шунингдек Аҳмад Дониш (Сомий уни буюк олим деб атайдилар) каби ўнтаси тақдим этилган<sup>20</sup>. Ҳар бир шоир ҳақида батафсил биографик маълумотлар берилган. Муаллиф нафақат олиму фозиллар ҳақида, балки барча маърифатли кишилар ва улар атрофидаги кишилар ҳаёти ҳақида ҳам ёзиб қолдирган. XIX асрда ёзилган барча тарихий асарлар орасида “Тарихи салотини манғития” асари тарихшунослик нуқтаи назаридан энг қимматли манба эканлиги жуда кўплаб тадқиқотчилар томонидан таъкидлаб ўтилган. Улардан бири Б. Г. Ғофуров бўлиб, у “Тожиқ халқи тарихи” да Сомийни “тожиқ тарихчиси” деб атайдилар ва унинг асарларига бир неча бор мурожаат қилади ва унинг асарларидан бир қатор иқтибосларни келтиради.

<sup>19</sup> Тарихий манбашунослик. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. Фан нашриёти. 2006 й. – Б. 182

<sup>20</sup> ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. №, № 3896(111)



“Тарихи салотини манғития”нинг илмий қиймати Совет тарихчилари томонидан ҳам тан олинган, муаллифнинг шахсини баҳолашда улар бир овоздан бундай олимларни камдан-кам учратиш мумкинлигини таъкидлашган. Унинг ҳаёти ва ижоди билан яхши таниш бўлган Садриддин Айний уни асосан Бухоронинг қатъиятли ва жасур танқидчиси қиёфасида кўради. У Намун-и адабиёт-и тожик тилида ёзади: “Сомийнинг асарларидан кўриниб турибдики, у амир саройидаги вазиятни ва амир ва амалдорлар қўлостидагиларига бўлган муносабатини ёқтирмасди, шунинг учун сарой аҳли ҳам уни ёқтирмадилар. Амир ва сарой нозирларининг бузуқлиги [ахлоқи] кучайган сари Сомийни ҳам танқид қилиш кучайган.”<sup>21</sup> Охир-оқибат уни саройдан ҳайдаб чиқариб, тирикчиликдан маҳрум қилишади ва умрининг охирини қашшоқликда ўтказади.<sup>22</sup>

3. Ражабов Сомийни маърифатпарвар, “Аҳмад Донишнинг таниқли кишиси, шогирди ва ҳақиқий дўсти ...”<sup>23</sup> деб атаган.

“Тарихи салотини манғития”нинг асосий аҳамияти шундаки, Россия подшоси томонидан босиб олинishi ва Бухоро Россияга қарам бўлган давлатга айлантирилгандан кейинги даврда хонликдаги ички сиёсий ва иқтисодий вазият акс эттирилган. Муаллифнинг ўзи мамлакатдаги омманинг аҳволини ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган бўлсада, лекин ўз асарида ҳукмдор ва амалдорларнинг халққа бўлган чексиз зулми ва меҳнаткаш аҳолининг оғир аҳволда турмуш кечирishiни батафсил ёритган. Ушбу манба Шақшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалар орасида машҳур ва ноёбдир. Бу асар 1324 ҳ.(1906-07) йилга тегишли. Асарнинг сарлавҳа қисмида юқори чап бурчакда Сомийнинг шахсий муҳри мавжуд. Бу эса ушбу нусха муаллифнинг ўзига тегишли эканлигини кўрсатади.

Сомий амирлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтган. Масалан, Рахимхоннинг 45 йил яшагани ва унинг мард, жасур, сахий одам бўлганлиги, одамлар уни сахий ва эзгу фазилатли киши деб билиши учун ўзини уларга меҳрибон қилиб кўрсатганлиги ва кўплаб совға-салом қилганлиги ҳақида маълумотлар келтириб ўтган.<sup>24</sup> Сомий: “Унинг ўғли ва меросхўри йўқлиги сабабли тахтни амакисига қолдирди”<sup>25</sup> деб келтиради.

Тарихчилар томонидан манғитлар сулоласи вакиллари бўлган Бухоро амирларига турлича баҳо берилади. Амирларнинг аксарияти

<sup>21</sup> Айний, Намуне-и адабийат-и таджик, б. 335—339

<sup>22</sup> С. Айний, Еддоштхо., б. 52.

<sup>23</sup> 3 . Ш. Ражабов; Мирзо-Азим Соми ва асари у.

<sup>24</sup> Мирзо Абдуазим Сомий Бўстоний. Тарихи салотини Манғития. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 4330/VI. 59 б

<sup>25</sup> Мирзо Абдуазим Сомий Бўстоний. Тарихи салотини Манғития. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 4330/VI. 60 б

золимлик ва ёвузликда айбланади. Бироқ тарихда одил ҳукмдорлар жуда-жуда оз ўтган. Бундай одил ҳукмдорлар манғитлар сулоласи орасида ҳам мавжуд бўлиб, хусусан, “маъсум амир” номи билан шуҳрат қозонган Амир Шоҳмурод ва унинг ўғли Амир Ҳайдар фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Сомий “Тарихи салотини манғития”да амир Шоҳмурод ҳақида ҳам ижобий фикрларни келтириб ўтган. Масалан, Сомий: “Амири маъсум(гуноҳсиз амир) лақабли амир Шоҳмурод тахтга ўтиргач давлатда кўплаб ўзгаришлар содир бўлди. У адолатли, иймон учун курашувчи амир бўлди. Унинг ҳукмронлиги даврида барча янгиликлар бекор қилиниб, шариат тикланди, тарк қилинган вақфлар тикланди, муқаддас жойлар, масжидлар ва мадрасалар ободонлаштирилди. Зиёли ва маърифатли кишиларга ҳурмат ошди ”.<sup>26</sup>

Абдуазим Сомий ўз асарида амир Ҳайдар тўғрисида ҳам ижобий фикрлар билдирган: “1801-02 йилда унинг отаси вафотидан кейин тахтга Амир Ҳайдар ўтирди. У саҳий ва адолатли одам эди. Унинг даврида зулм йўқ қилинди. У барча фанлардан етарли билим олди. Давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, у талабаларга илоҳиётшуносликдан дарс берди. Унинг шогирдлари даврасида мингдан ортиқ одам бўлар эди. У олимлар ва уламолар билан суҳбат қуришни яхши кўрар эди. Унинг олимлар билан суҳбати самимий бўлганлиги сабабли унинг бундай ҳатти-ҳаракатлари баъзи мулозимларга ёқмади ва уларнинг ташаббуси билан Хоразм хони Бухорога бостириб келди. Ва Бухорони талон-тарож қилиб, кўплаб молларни ва одамларни асир олиб кетди. Амир Ҳайдар уни таъқиб қилиб, баъзи асирларни озод қилиб, Бухорога қайтариб келди”.<sup>27</sup>

Абдуазим Сомий “Тарихи салотини манғития” асарида ҳар битта амир ҳақида тўхталиб уларнинг ҳукмдорлик қилган даврида содир бўлган воқеаларни батафсил ёритишга ҳаракат қилган. Амирларнинг хулқ-атворидан тортиб, уларнинг авлодлари ва насл-насаблари билан ҳам таништириб ўтган. Сомий ҳар бир амир ва унинг ҳукмронлик даврини тасвирлаш учун асаридан алоҳида сарлавҳа ажратган.

Ушбу асар Бухоро тарихи ҳақидаги асарлар ичида энг муфассали десак хато бўлмайди. Тарихчи олим Епифанова ҳам “Тарихи салотини манғития” асарини бошқа тарихий асарлардан фарқ қилишини ва мукамалроқ эканлигини айтиб ўтган.

### **ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

<sup>26</sup> Мирзо Абдуазим Сомий Бўстоний. Тарихи салотини Манғития. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 4330/VI. 62 б

<sup>27</sup> Мирзо Абдуазим Сомий Бўстоний. Тарихи салотини Манғития. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 4330/VI. 63 б

1. Анге Фон Кюгельген. Легитимация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. (XVIII-XIX вв.) Алматы. 2004.-С. 110
2. Арабские рукописи. Института востоковедения Академии наук СССР. Краткий каталог. М.: издательство «Наука» главная редакция восточной литературы, 1986.-526с.
3. Аҳмад ибн Носир ибн Юсуф ал-Ҳанафий ал-Бухорий. Таржимаи аҳволи амирони Бухорои шариф аз-амир Дониёл то асри амир Абдулахад. XIX аср. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №18.
4. Мирзо Абдуазим Сомий Бўстоний. Тарихи салотини Манғития. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 4330/ВИ
5. Мулла Муҳаммад Шариф. Тарихи Амир Ҳайдар. ЎзР ФА Шарқшунослик институтида инв. № 1836 рақами остида
6. Муҳаммад Вафо ибн Муҳаммад Зоҳир Карминагий. Тухфат ул-хоний. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси.
7. Муҳаммад Якуб ибн амир Дониёл. Тарихи амирони манғит. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №2727/1.
8. Шарифжон Махдум садри Зиё. Тарих. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №2241.
9. Мирзо Абдуазим Сомий. Таърихи салтанати Манғития (История мангытских госу-дарей)//М.М. Епифановой. - М., 1952;